



## Кичик бизнес истиқболи

амалга оширилаётган мақсадли лойиҳаларнинг салмоқли натижаларида намоён бўлмоқда

Бугун амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар самараси ҳақида сўз кетганда, гап мавзуси беихтиёр кичик бизнес истиқболига бурилади. Сабаби, ҳозирги кунда мазкур соҳа ривожини учун яратиб берилган имконият у имтиёзлар туйғайли у ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг муҳим таянчига айланди.

### Интилиш

Ички бозор, асосан, кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эвазига тўлдирилаётгани, ёшларнинг аксарияти мазкур жабҳада меҳнат қилаётгани бунга яққол мисолдир.

Наманган шаҳридаги "Асл текстиль либослари" масъулияти чекланган жамияти — бизнес фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйиб олган шундай тадбиркорлик жамоаларидан бири. Бу ерда тайёрланаётган эркаклар шими ва кўйлақларига нафақат вилоятда, балки республикамиз бозорларида ҳам талаб катта. Бунга маҳсулот сифати ҳамда дизайнини яхшилаш, талаб ва тақлиф мутаносиблигини таъминлаш натижасида эришилмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқариш модернизация қилингани эса бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди. Эндликда андоза олиш, бичиш-тикиш, дазмоллаш амалиётлари тўлиғича компьютерлаштирилган техникалар ёрдамида бажарилаётган.

— Мазкур лойиҳани амалга оширишда "Асака" банки филиалидан ажратилган 300 миллион сўмлик имтиёз-



ли кредит қўл келди, — дейди жамият раҳбари Авазбек Тўхтабоев. — Унга ўзимизнинг 100 миллион сўм маблағимизни ҳам қўшиб, хориждан янги технологик линия сотиб олдик. У ишга туширилиши билан қувватлар икки баробарга ор-

тиб, йилига 40 минг дона тайёр кийим-кечак тикиш имконияти яратилди. Қўшимча равишда маҳсулотнинг янги тури — жинси матодан шим тикишни ўзлаштирдик. Дарҳақиқат, кичик корхонада технологик янгиланиш са-

мараси тезда кўзга ташланди. Энг аввало, иш унумдорлиги ортди. Масалан, бултур 148 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу кўрсаткичга жорий йилнинг олти ойидаёқ эришилди. Шунга мос равишда меҳнат жамоа-

си саффи ҳам кенгайиб, 25 кишига ортди. Ишга янги қабул қилинганларнинг 13 нафари касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар эканлиги диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

## ЛАТВИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги алоқалар кўпайиб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентларо ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасида парламентаризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётган. Мамлакатларимиз парламентаризм асослари делегацияларининг учрашувлари мунтазамлик касб этаётган.

(Давоми 2-бетда).

## ЮКСАК ЭЪТИБОР — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Президентимизнинг кеча матбуотда эълон қилинган "Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори барчамизни беҳад қувонтирди. Бу юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасида эканлигини яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

### Дил сўзи

Мамлакатнинг куч-қудратини, салоҳиятини белгилайдиган омиллар жуда кўп. Улар орасида таълим-тарбия соҳаси, шубҳасиз, муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг келажаги бугун вояга етаётган авлод тақдирини билан узвий боғлиқдир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим тизими алоҳида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жихатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидорини юзага чиқариш, қалбида она-юртга садоқат ва фидоийлик туйғуларини шакллантириш борасида ҳаётга татбиқ этила-

ётган кенг қўламли чора-тадбирлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад муважжас. Биласиз, азал-азалдан юртимиз полволлари ҳақида гап кетганда, "Кураги ерга тегмаган", "Донги етти иккимга кетган" каби иборалар қўлланилган. Бу уларнинг маҳоратда тенгсиз бўлишганини аңглатади. Мустақиллик йилларида спортчиларимизнинг халқро мусобақаларда иштирок этишига кенг йўл очиб берилган ва жасур фарзандларимиз ҳам кўпдан-кўп муваффақиятлар билан аждодларига муносиб авлод эканликларини исботлаб, юртимиз доврўғини дунё узра ёйишга муносиб ҳисса қўшиммоқда.

(Давоми 2-бетда).

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, маънавий камолоти йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

## Етуқлик ва келажак

Бундай эътибор ва ғамхўрликлар самараси ўғил-қизларимизнинг республика ва халқро миқёсдаги олимпиадаларда эришаётган ютуқлари, турли кўрик-танловларда, спорт мусобақаларида кўлга киритаётган муваффақиятларида ҳам акс этмоқда.

Албатта, ўқувчиларнинг пухта билим эгаллаши, фанга бўлган қизиқишининг ортиб бориши, кўп жихатдан устозлар маҳоратига боғлиқ. Эътиборлиси, вилоятимизда ҳам ҳамкасбларга намуна бўладиган ўқитувчилар кўп. Навоий шаҳридаги 11-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси Рустам Абдиевнинг "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2012" кўриктанловида биринчи ўринни эгаллаганини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## СПОРТ БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкентда Осиё гимнастика иттифоқининг Бош ассамблеяси бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар бугун дунёда эътироф этилмоқда. Барча жабҳалар, шу жумладан, спортни ривожлантириш соҳасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Бугун Ўзбекистон ҳақида равишда йирик спорт мамлақати, деб аталамоқда. Мамлакатимизда йирик халқро мусобақаларда улкан ғалабаларни кўлга киритаётган буюк спортчиларни тарбиялаш билан бирга, оммавий спортни ривожлантириш учун ҳам барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бунинг натижасида бугун спорт халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Буларнинг барчаси халқро спорт жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланмоқда. Шу бос Осиё гимнастика иттифоқининг икки йилда бир марта ўтказиладиган Бош ассамблеясининг айнан Ўзбекистонда бўлиб ўтганида ҳам катта маъно бор. Таъкидлаш жоизки, жорий йилда Осиёнинг кўплай давлатлари ушбу нуфузли тадбирни ўтказишга давogarлик қилган эди. Лекин Осиё гимнастика иттифоқи уни Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди. Бу Ўзбекистоннинг халқро майдонда катта обрў-эътиборга эга эканлидан далолатдир. Бу мамлакатимизда спортнинг энг оммавий турларидан бирига айланган гимнастикани ривожлантиришда кўлга киритилаётган муваффақиятларнинг тасдиғидир.

Осиё гимнастика иттифоқи Бош ассамблеясида Осиёнинг ўттиз давлатидан гимнастика миллий федерацияси раҳбарлари ва вакиллари қатнашди.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Лола Каримова-Тиллаева АГУ Бош ассамблеясининг ўтказилиши ташкилотчи мам-

лакат учун шараф эканини таъкидлади. Осиё гимнастика иттифоқи минтақада гимнастиканинг барча турларини ривожлантириш бора-сида катта ишларни амалга оширмоқда ва бу салмоқли натижалар бермоқда. Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда турли мамлакатлар спортчиларининг маҳоратини оширишга хизмат қиладиган кўплай халқро мусобақалар ўтказилмоқда. Айниқса, 2012 йил ўзбекистонлик гимнастикачилар учун муваффақиятли бўлди. Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги шон-шухрати йил сайин ортиб бораётган. Мамлакатимиз вакиллари Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқро турнирлардаги ғалабалари ҳам шундан далолат беради. Биз уларнинг кўплай олтин, кумуш ва бронза медалларни кўлга киритаётгани, ўзбек спортининг юксак салоҳиятини намойиш этаётгани билан фахрланамиз. Буларнинг барчаси жисмонан соғлом, маънавий етуқ баркамол авлоднинг тарбиялаш борасида ғамхўрлик қилиш давлатимиз раҳбари юратилган сиёсатнинг устувор йўналиши эканининг ёрқин самарасининг ўтказилиши ташкилотчи мам-

(Давоми 2-бетда).

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

2012 йилнинг дастлабки олти ойида республикамиз бўйича яратилган янги иш ўринлари

510,5 мингтани ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ана шундай юкори кўрсаткичга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзаро тажриба алмашув

манфаатли алоқалар янада кенгайишига хизмат қилади

Таъкидлаш жоизки, мазкур саммит ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги энг муҳим тадбирлардан бири сифатида маҳаллий ва хорижий мутахассислар эътиборини қозонмоқда. Жорий йилги саммитга Хитой, Жанубий Корея, Россия, Германия, Қозоғистон сингари давлатлардан 600 дан зиёд вакиллар ташир буюрган бунинг тасдиғидир. Саммит асосида иштирокчилар замонавий АКТ соҳасидаги ютуқ ва муаммоларни муҳокама этиш ва соҳани ривожлантиришга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашув баробарида, ушбу йўналишда алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасидан ўз тақлифларини билдирдилар. Шу маънода, мазкур тадбир соҳани янада ривожлантириш, тармоқдаги энг сўнгги ютуқларни намойиш этиш, хорижий ва минтақавий алоқаларнинг истиқболли имкониятларини юзага чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

— Бугунги кунда Ўзбекистонни нафақат савдо-иқтисодий ёки бошқа соҳалар, балки ахборот-коммуникация тизими ҳам жадал тараққий этаётган мамлакат сифатида яхши биламиз, — дейди Жанубий Корейнинг Ахборот технологияларини ривожлантириш миллий агентлигининг етакчи маслаҳатчиси Оун Жей Ли. — Бунга Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказиладиган тадбирлар яққол мисол бўла олади. Айниқса, тадбир давомида ҳукуматнинг томонидан мазкур тармоқни

кўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиладигани, зарур ҳуқуқий асослар тобора тақомиллаштирилаётганига яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Бу эса тизимнинг истиқболли порлоқлигидан далолатдир. Дарҳақиқат, саммитда иштирокчиларга соҳага оид сиёсатни тартибга солиш, ижтимоий ривожланиш учун янги технологиялар, дастурий таъминот сановати, АКТ давлат бошқарувида, медиа-бизнес, электрон тижорат, электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш, тадбиркорлик ва инновациялар фаолият учун ихтисослаштирилган илмий-техник зоналар ҳамда қулай инфра-тузилмани ташкил қилиш, ушбу жараёнда давлатнинг ўрни каби масалалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар "АКТ давлат секториди", "Технологиялар, ишланмалар ва ечимлар", "Интернет ва ахборот ресурслари" ҳамда "Ахборот кутубоначилик технологиялари" сингари тўртта секцияга бўлинган ҳолда иш юритгани саммитнинг янада самарали ўтишини таъминлади.

Тадбир якунида муҳокама қилинган мавзуларни амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, саммит резолюцияси қабул қилинди.

"InfoCom — 2012" — Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказиладиган тадбирлар яққол мисол бўла олади. Айниқса, тадбир давомида ҳукуматнинг томонидан мазкур тармоқни

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ







# ЖАҲОН

24 соат ичида

## «Орзулар лайнери»нинг биринчи харидори

Япониянинг «All Nippon Airways» (ANA) авиакомпанияси «Boeing 787 Dreamliner» самолётидан яна 11 донга сотиб олишини маълум қилди.

Бу «ANA» ва «Boeing» ўртасида тузилган қўйма-ти 2,68 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган шартномада акс этган. Ишлаб чиқарувчи лайнерларни 2018 — 2021 йиллар орасида етказиб беришни зиммасига олган. «All Nippon Airways» «Орзулар лайнери» дея номланган мазкур русумнинг биринчи харидори ҳисобланади. Компания «Boeing» билан ушбу самолётдан

жами 55 донга сотиб олиш борасида битим тузган эди. Хозиргача улардан 13 таси келтирилган.

«All Nippon Airways» жаҳондаги энг йирик авиакомпаниялардан бири бўлиб, у кунга 174 ички ва халқаро рейсни амалга оширади. Утган йилда 43 миллион нафар йўловчига хизмат кўрсатган компания 17 миллиард АҚШ доллари миқдоридан маблағ ишлаган.

## Викинглarning энг катта хазинаси

Данияда викинглар даврига оид хазина топилди.

Қадимий ашёларни уч нафар ҳаваскор археолог аниқлаган. Ноёб топилма, асосан, заргарлик буюмларидан иборат бўлиб, уларга кумуш суви билан ишлов берилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу хозирги кунга қадар топилган викингларга тегишли энг катта хазина экан.

Заргарлик буюмлари Роскилла шаҳридаги музейга берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур кент Даниянинг олдинги пойтахти ҳисобланиб, у викинглар даврида мамлакатнинг савдо маркази бўлган.

## Янги газ кони

Италиянинг «Eni» компанияси Покистон ҳудудидан янги газ конини аниқлашга муваффақ бўлди.

Даду шаҳри яқинида жойлашган мазкур конда 8,5 — 11,3 миллиард кубометр атрофида газ борлиги тахмин қилинмоқда. Ушбу ҳудудда қазиб ишларини олиб бориш учун бир нечта компания

рухсатномага эга. «Kupres Pakistan», «Oil & Gas Development» каби маҳаллий ҳамда «Premier Oil» (Буюк Британия) шулар жумласидандир. Аммо бу борада энг кўп ҳуқуқ (40 фоиз) «Eni»га тегишли.

## Можарога сабаб бўлган тадқиқот

Европада маҳсулотларни генетик ўзгартириш (модификациялаш) жараёни катта можарони келтириб чиқарди.

Гап шундаки, франциялик олимлар икки йил давомида маккажўхорининг янги навларини яратиш борасида тадқиқот ўтказганлар. Янги маҳсулотлар билан сичқонлар озикланган. Уни еган кемирувчилар эса саратон касаллигига чалиниб, таналарида стол теннисси тўли катталигидаги ишлар пайдо бўлган.

Масалга изоҳ берган Еврокомиссия маккажўхори устида тадқиқот олиб боришга рухсат берилганини тан олган ҳолда, бу жараёнда қандай препаратлардан фойдаланилгани ҳақида маълумотга эга эмаслигини билдирган.

## Савдода ижобий кўрсаткич

Испаниянинг «Zara», «Massimo Dutti», «Bershka» ҳамда «Oysho» сингари дунёга машҳур кийим-кечаклар брендларини бирлаштирган «Inditex» савдо тармоғи жорий йилнинг биринчи ярмини катта миқдордаги даромад билан якунлади.

Бу даврда у қўрган соф фойда 31 фоизга ошиб, 944 миллион еврони ташкил этган. «Inditex» мазкур муваффақиятга ўз бизнесини ривожлантаётган мамлакатларда кенгайтириш ва интернет орқали буюртмалар қабул қилишни

йўлга қўйиш орқали эришган. Тармоқ вакилининг таъкидлашича, ушбу ижобий кўрсаткич «Inditex»нинг Европа мамлакатлари ҳамда молиявий-иқтисодий таназзулдан азият чекаётган Испанияда йўқотилган фойдаси ўрнини қоплайди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

### ● Реклама ва эълонлар ●

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИХА ҲОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»-ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ҳоаялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади. Танлов қўйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибдорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ҳоаялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ҳоаяларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

### Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- Ариза (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com. Манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

### Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқаришни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун БҲУРТМАНОМА

- \_\_\_\_\_ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
- \_\_\_\_\_ (тақдим этилаётган ҳоаявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
- \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)
- \_\_\_\_\_

Буюртманомга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- Инвестиция таклифи;
- Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

### Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

- Лойиҳанинг номи;
- Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва рекевизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
- Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва рекевизитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари; охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар потенциали.
- Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
  - Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
  - Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ходимлар сони.
  - Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
  - Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
- Лойиҳани амалга оширишдан қўйидаги натижалар: қўйидаги ийиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

3-илова

### Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари учун	млн. сўм		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишлари	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	хар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натурра шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун	ўлчов бирлигига мувофиқ		

15524/993

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ

### «УГКМ дирекцияси» УК, «Ўзбекнефтегаз» МХК

Кўнғирот тумани, Акчолок аҳоли пункти, Устюрт ГКМси ишчилар посёлкаси қурилишининг лойиҳа меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш ишларини амалга ошириш учун такоран танлов савдоларида қатнашишга таклиф этади.

**Молиялаштириш** — «Ўзбекнефтегаз» МХК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.  
**Буюртмачи** — «Устюрт ГКМ инфраструктура объектлари қуриш ва Сурғил ГККни ўзлаштириш дирекцияси» унитар корхонаси.

**Объект жойлашган манзил** — Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот тумани.  
**Танлов савдоларининг ташкилотчиси** — «УГКМ дирекцияси» УК. Буюртмачининг бошланғич нархи — миллий валюта — сўмда, танлов ҳужжатларида кўрсатилган.

**Молиялаштириш шартлари** — 30% бўнак, жорий молиялаштириш жадвали ва иш юритиш жадвалига мувофиқ — 95%, ишларни тўлиқ бажарилганидан кейин лойиҳа меъёрий ҳужжатларини ваколатли идораларида тасдиқлангандан кейин, бироқ молия йили тугамасдан олдин 5%.

**Буюртмачи томонидан рўнатиладиган ишни якунлаш муддати** — 120 кун.

Танлов ҳужжатларининг ун қилидаги тўлиқ тўпламини талабгорнинг ваколатли вакили қўйидаги манзилдаги офисдан ишончномани кўрсатган ҳолда 2012 йил 25 октябрь кун, соат 8.00 дан 17.00 гача олиши мумкин: «Устюрт ГКМ инфраструктура объектлари қуриш ва Сурғил ГККни ўзлаштириш дирекцияси» УК манзили: **Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот шаҳри, С. Ермагамбетов кўчаси, (748-КТС ММК олдинги биноси).**

**Телефонлар:** (+99861) 3122712, (+99893) 9215556. **e-mail:** direktoriya\_ugkm@mail.ru.

**Алоқа қилувчи шахс:** Турдимуратов Толибай.

Танлов ҳужжатлари тегишли равишда ариза берилган ва тўлов амалга оширилган санадан бошлаб беш кундан кечиктирилмай берилади. Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун 200 АҚШ долл. ёки Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов вақтидаги курси бўйича миллий валюта (сўм)да. Танлов ҳужжатлари тўпламига тўловни учинчи шахслар томонидан тўлаш тақиқланади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун аризалар юқорида кўрсатилган манзилга жўнатилади. Савдо ташкилотчисига оферта беришнинг сўнги муддати — Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот шаҳри, С. Ермагамбетов кўчаси (748-КТС ММК олдинги биноси) манзили бўйича оферталарини очишдан бир кун олдин соат 17.00 гача.

Оферталарни очиб қўйидаги манзилда амалга оширилади: Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот шаҳри, С. Ермагамбетов кўчаси (748-КТС ММК олдинги биноси), эълон чиққан санадан бошлаб 30 кундан кейин, соат 12.00 да.

«УГКМ дирекцияси» УК

# «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

## ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чоқли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.

Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 8 950 000 сўм. Тўлов пул ўлказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

## «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси

2012/2013 йил қиш-баҳор мавсумига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини жамғириш мақсадида 2012 йил кузги сабзавотлар ҳосилидан давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган қўйидагиларни:



### ПИЁЗ, картошка, сабзи, қизил лавлаги, карам

## сотиб олиш учун танлов эълон қилади.

Қўшимча маълумотлар учун қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Навоий ш., Навоий к., 27. Телефон: (8-436) 227-78-71, 227-78-68. Факс: (8-436) 227-84-32.

## «REAL AUKSION» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ савдо савдоларига таклиф этади!

**ДАТ «Асака» банки ОАЖнинг ЗХ-22-20/4168-сонли хати ва ДАТ «Асака» банки ОАЖ Тошкент шаҳар филиалининг 2012 йил 31 майдаги 346-сонли буйруғига асосан хатланган, ДАТ «Асака» банки ОАЖ Тошкент шаҳар филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 73-уйда сақланаётган қўйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**Лот № 1** — 2000 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами — 894341, кузов рақамисиз, шасси рақами — 00152, ранги оқ, автобусни қайд этиш гувоҳномаси ААС № 1681095, давлат рақами — 01 325 ВАА бўлган, «Мидибус М24.9» русумли (автобус) автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 23 885 282 сўм.**  
**Лот № 2** — 2000 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами — 0014672, кузов рақами — 0007822, шасси рақами — 0156131, ранги оқ, микроавтобусни қайд этиш гувоҳномаси ААС № 1681098, давлат рақами — 01 328 ВАА бўлган, «Газ 322132 СНГ» русумли (микроавтобус) автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 11 598 940 сўм.**  
**Лот № 3** — 2000 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами — 0046032, кузов рақами — 0022863, шасси рақами — 0166084, ранги оқ, микроавтобусни қайд этиш гувоҳномаси ААС № 1681096, давлат рақами — 01 326 ВАА бўлган, «Газ 322132 СНГ» русумли (микроавтобус) автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 12 164 742 сўм.**  
**Аукцион савдолари 2012 йил 26 октябрь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 26 октябрдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такорий аукцион савдолари 2012 йил 2 ноябрь ва 9 ноябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланғичдан бир кун олдин тўхтатилади.  
Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «REAL AUKSION» МЧЖнинг АТБ «Ипотек-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800090499660002, МФО: 00425, СТИР: 302370235.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: (+99895) 177-49-14.**

Гувоҳнома № 006795

## «BEMINAT SAVDO»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2012 йилнинг IV чорагида қўйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказишнинг эълон қилади сариғи, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун хар кунини соат 9.00 дан 17.00 гача қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй. Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнги муддати — 2012 йил 28 сентябрь соат 17.00 гача.

15794/1110



Медиатур

Табиат неъматларини бири-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир гиёҳ ёки жонотнинг ўз хусусияти, таъбири хоиз бўлса, ўз "вазифа"си бор. Айтайлик, ўсимликлар ва дов-дарактлар атмосфера мутахассислигини таъминлашга хизмат қилса, жонотлар бепоён чўллари ўрмонлардаги табиийликни асраб туришга муносиб ҳисса қўшади.



Табиатнинг бетакрор тўқфаси

Уларни асраб-авайлаш эса келгуси авлодлар олдидаги бурчимиздир.

Ана шу табиат мутаносиб-лиги эса, кўп жиҳатдан, инсоният фаолияти билан чамбар-час боғлиқ. Аммо ҳозирги кунда келиб, кишилар томонидан кундалик эҳтиёж учун дарактларнинг кесилиши, сув ёки ердан унумли фойдаланмаслик, жонотларнинг оқонуний овла-ниши сингари ҳолатлар бундай мутахассисликнинг издан чиқ-шига сабаб бўлмоқда.

Хозирги кунда бу қуш Исроил, Саудия Арабистони сингари давлатлар парваришхоналарида кўпайтирилмоқда. Юртимизда эса "Карнабчўл" буюртма-хонаси ва "Жайрон" экомарказида муҳофаза остига олинган. Шунингдек, мутахассисларимиз томонидан уни кўпайтириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Яқинда бир гуруҳ журналистлар Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан уюштирилган медиатур жаравида ушбу марказ фаолияти билан танишиш имко-нига эга бўлдилар. Тадбирда мутахассислар томонидан журналистларга йўргатувоқ қуши, шунингдек, марказда уларни парваришлаш борасида яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шу билан бирга, медиатур доирасида ўн тўртта йўргатувоқлики таби-атга қўйиб бўлиб маросими ҳам бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, республика-мизнинг Навоий ва Бухоро вилоятларида ноёб ҳайвон тур-ларини кўпайтиришга ихтисос-лаштирилган иккита питомник ҳам мавжуд. Улар барча замо-р-б муаммоларга айланди.



Юртимиз табиати бетакрор. Айниқса, унинг ҳайвонот дунё-си хилма-хил. Ҳозир-ги кунда республика-миз фаунасида умурт-қали ҳайвонларнинг 688, қушларнинг 441, судралиб юрувчилар-нинг 60 ҳамда умурт-қасиз ҳайвонларнинг 15 мингдан ортиқ тури учрайди. Аммо сўнгги ўн йилликлар мобай-нида табиатдан фой-даланишнинг кучайи-ши оқибатида кўп-лаб ҳайвон ва қушлар онтропоген таъсир остида қолиб, уларнинг яшаш жойлари ҳамда сони қисқарди. Баъзилари эса бутунлай йўқ бўлиб кетди. Шуларни ино-батга олган ҳолда, юртимизда кейинги йилларда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш-га алоҳида эътибор қаратил-моқда. Хусусан, Ҳисор, Зомин, Китоб, Нурота, Сурхон, Зараф-шон кўриқхоналари ва бир неча миллий боғ ҳамда буюрт-махоналар ташкил этилган шундай сай-ҳаракатлар самар-расидир.

Навий техника воситалари билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда хорижий мутахассислар ёрда-мида парваришланаётган йўр-гатувоқлар Ўзбекистон Рес-публикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами ге-нофонди институти ходимлари томонидан назорат қилинади.

Навий вилоятининг Карма-на туманидаги 300 гектар май-донни эгаллаган "Empirates Cent For Conservation of Houbara" Йўргатувоқларни муҳофаза қилиш бўйича маркази нодав-лат нотижорат ташкилоти 2007 йилдан бўён фаолият юритмоқ-да. Марказнинг асосий мақса-ди йўргатувоқларни кўпайти-риш ва Ўзбекистонда уларнинг популяциясини қўллаб-қувват-лашдан иборат.

Дарҳақиқат, эндиликда атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳаёт манбаи ҳисобланмиш биохилма-хилликни сақлаш, тиклаш ва кўпай-тириш сингари долзарб вазифаларни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Табиатдан оқилона фойдаланиш, унга бўлган му-носабатни яхшилаш, ушбу йўналишдаги истиқболли лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш эса табиатнинг ноёб тўқфаларини асраб-авайлашда асқотиши, шубҳасиз.

Д. МУРОДОВ.

Хоразм қовунлари дунё бозорида

Хоразм заминида етиштирилган қовунларнинг дони етти иклимга таралган. Бугун ҳам ушбу неъматларни турли мамлакатлардаги савдо расталарида учратиш мумкин.

Мавсум

Ҳап шундаки, воҳа деҳқонлари айни пишиқчилик палласида ўзлари етиштирган қовунларни экспорт қила бошладилар. Хусусан, "Шовот қорақуми" фер-мер хўжалиги Россияга 35 тон-

на, қиймати 17 минг АҚШ дол-ларлик қовун жўнатган бўлса, Урганч туманидаги "Хоразм қовунлари" масъулияти чеклан-ган жамияти 20 тоннага яқин сархил неъматларни Жанубий

корейлик истеъмолчиларга ет-казиб берди. Бу кўрсаткич йил охиригача 100 тоннага етиши кўзда тутилган.

Умуман, хоразмлик деҳқонлар йил охиригача хорижга 300 минг АҚШ долларлик 40 навадаги қовунларни экспорт қилишни ре-жалаштиришмоқда.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Кулоллар халқаро кўргазмада

Риштонлик кулол-лар Шарофиддин ва Фирдавс Юсупов, Рустамжон ва Дамир Усмоновлар АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида ўтказилган дунё хунармандлари аънанавий халқаро кўргазмасида ўзи маҳсулотларини намойиш этишди.

Мерос

Шарқ кулолигининг ноёб аънаналарини ўзида акс эттирган коса, кўза ҳамда бир қатор хўжалик ашёлари бу ерга ташриф буюрганларда катта қизи-қиш уйғотди. Ҳатто, хунармандларимиз баъзи америкалик ихлосманд-ларнинг буюртмаси асо-сида улар хонадонлари-да кичик кулоллик уста-хоналарини ҳам қуриб бе-ришди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Коллеж битирувчиси — тадбиркор

Қарши агробизнес ва тадбиркорлик коллежи битирувчиси Ойгул Жабборова банкдан 17 миллион сўм кредит олиб, "Oyguil Elegant Dizaayn" хусусий корхонасини ташкил этди.

Изланиш

— Тикувчилик ва қандо-латчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тайёрлаган бизнес-лойи-ҳам "Ипотeka-банк" томонидан қўллаб-қувватланиб, менга бошланғич сар-моияни шакллантириш учун кредит ажратилди, — дей-ди О. Жабборова. — Ҳозир бир қатор корхона ва ташкилотларнинг буюрт-маларини бажаряпмиз. Бундан ташқари, қандо-лат, нон ва нон маҳсуло-лари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Қувон-нарлиси, ўзим билан бир-га ўқиган тенгдошларим ҳам шу ерда меҳнат қи-лашапти.

Айтиш жоизки, вилоят-да жорий йилнинг ўтган етти ойида Ойгул сингари коллеж битирувчилари-нинг 164 та тадбиркорлик лойиҳаси учун 1454,9 мил-лион сўм миқдорда мик-рокредитлар ажратилди.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эълон

Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат-тижорат Халқ банки Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёр равишда иш-тирок этувчиларни раг-батлантириш мақсади-да 2012 йил 26 сентябрь кунин Тошкент шаҳар Миробод туманидаги М. В. Ломоносов но-мидаги МДУ Тошкент шаҳар филиали бино-сида соат 10.00 да ютуқ-лар тиражи ўтказили-шини маълум қилади.

Реклама ва эълонлар

Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи, ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!

Сурхондарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси

томонидан кишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган ҳолда сотиб олишга

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Тендерда қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотлар ва уларнинг тегишли ҳужжатларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгурчи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилди.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили: Сурхондарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, 132006, Термиз шаҳри, Чалишев кўчаси, 8-ўй. Тел.: (8-376) 223-70-03, факс: (8-376) 223-72-06. E-mail: surxvssb@uznet.net

Банк реkvизитлари: Сурхондарё вилояти бўйича газначилик бошқармаси х/р: 23430000104628659053, МФО: 00024, СТИР: 206919768, Марказий банк ХҚКМ Сурхондарё вилояти бошқармаси, ш/х/р: 100021860224017072130054002, СТИР: 200477643, ОКОНХ: 97600.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 19-03-22-05 Ўзбекистон Республикаси-50-2012-сонли декларация «БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» УК

2012 йил 1 октябрь кунидан бошлаб амал қилади.

Table with 5 columns: Маҳсулот номи, Тури, маркази, артикул ёки модель номери, Техник шароити ва стандарти, Ўлчов бирлиги, Чекланган нархи ҚҚС билан. Row 1: Мазут ёқилғиси, 40.100, ГОСТ 1с 585-99, тонна, 220 800.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

томонидан 2012 йил 23 ва 30 август кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра,

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика инкассация хизмати» ДУК балансидаги давлат рақами — 01/234МБА бўлган «КамАЗ-5915» — 19 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/268МБА бўлган «КамАЗ-5320» — 21 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/274МБА бўлган «ДЭУ Принц» — 12 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/517МБА бўлган «ДЭУ Принц» — 11 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/610МБА бўлган «ДЭУ Принц» — 10 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/495МБА бўлган «ДЭУ Принц» — 10 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/405МБА бўлган «Принц» — 10 300 000 сўмга, давлат рақами — 01/415МБА бўлган «Эсперо» — 8 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/516МБА бўлган «Эсперо» — 8 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/309МБА бўлган «Сиело» — 12 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/672FAA бўлган «Нексия Донс» — 21 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/520WBA бўлган «Нексия» — 17 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/718EAA бўлган «Нексия» — 23 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/789FAA бўлган «Нексия» — 25 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/729EAA бўлган «Нексия» — 22 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/726EAA бўлган «Нексия» — 26 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/745EAA бўлган «Нексия» — 26 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/749EAA бўлган «Нексия» — 28 500 000 сўмга, давлат рақами — 01/721EAA бўлган «Нексия» — 23 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/784FAA бўлган «Дамас» — 25 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/746EAA бўлган «Дамас» — 16 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/781FAA бўлган «Дамас» — 18 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/769FAA бўлган «Тико» — 20 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/273MBA бўлган «Тико» — 18 000 000 сўмга, давлат рақами — 01/603MBA бўлган «Нексия» — 17 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

«SAGDIANA REAL SERVICE» МЧЖ

савдолар залида 2012 йил 26 октябрь кунин соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси олиб борувчи очик аукцион савдосига қўйилган объект сотувга қўйилганлиги маълум қилади:

Самарқанд вилояти хўжалик сундининг 2009 йил 23 февралдаги 14-0810/19407-сонли ижро варақасига асосан, Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган:

«Техносид» хусусий фирмасига тегишли Самарқанд шаҳар, Кимёгарлар кўрғони худудига жойлашган ишлаб чиқариш цехининг биноси.

Бошланғич баҳоси — 180 489 000 сўм. Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш

Манзил: Самарқанд шаҳар, Абу Райхон Беруний кўчаси, 196-ўй. Телефон: (8-366) 229-03-12, 229-65-88. (Мўлжал: Чой қадоқлаш фабрикаси қаршида).

Advertisement for Hyundai Heavy Industries. Includes images of excavators and wheel loaders. Text: ЭКСКАВАТОРЫ КОЛЕСНЫЕ И ГУСЕНИЧНЫЕ, ФРОНТАЛЬНЫЕ ПОГРУЗЧИКИ, МИНИ-ПОГРУЗЧИКИ, ЭКСКАВАТОРЫ-ПОГРУЗЧИКИ, ВИЛОЧНЫЕ ПОГРУЗЧИКИ. ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане. Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссиқ сув, 118.

Advertisement for Grandflex. Includes images of food products. Text: GRANDFLEX, POLIETILEN PAKETLAR, VAKUUMLI TERMOQOPLAMALI VA TERMOQOPLAMASIZ QADOQLAR. Mahsulotingiz ko'rkini bizning vazifamizdir! O'ZI YELIMLANUVCHI ETIKETKALAR. www.grandflex.uz. +998 71 270-06-76, +998 90 996-06-76.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper. Text: Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Advertisement for 'Bo'sh muharrir' Utkir Raxmatov. Text: Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Advertisement for 'Sharq' newspaper. Text: Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.50. Тошширилди — 23.20. 1 2 3 4 5

Advertisement for 'Manzilimiz' newspaper. Text: МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов. Навбатчи — Д. Улугмуродов. Мусоҳҳах — Ш. Машраббоев.